

## АҚШ ва Канададаги элчи юртимиз уламоларини ташриф билан қутлади



## АҚШ ВА КАНАДАДАГИ ЭЛЧИ ЮРТИМИЗ ИМОМЛАРИНИ ТАШРИФ БИЛАН ҚУТЛАДИ

16:22 / 21.04.2022 1875

«Ўзбекистон Республикасининг АҚШ ва Канададаги элчихонаси номидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси аъзоларини, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан Тошкент, Наманган, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларидан келган муҳтарам имомларимизни ташрифи билан қутлайман. Бу фидоий, қадрли, жонқуяр ва меҳрибон устозларнинг барчаси Америка Қўшма Штатлари бўйлаб сафар қилиб, Колумбия округи, Филадельфия, Нью-Йорк, Синсиннати, Чикаго, Орlando ва Маямига ташриф буюриб, Рамазон ойида ватандошларимиз билан учрашувлар ўтказадилар. Ислом динининг асл моҳиятини мусулмонларга чиройли ва таъсирли маърузалари билан тушунтирадилар», деб ёзади Ўзбекистоннинг АҚШ ва Канададаги элчиси Жавлон Ваҳобов ўзининг Facebook саҳифасида.

Эслатиб ўтамиз, айти дамда АҚШнинг Вашингтон штатида соат миллари тонги олтига яқинлашганини кўрсатмоқда.

***Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати***